



БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИНИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШДА УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАНИНГ АҲАМИЯТИ

С.М.Ахадов

Ички ишлар вазирлиги ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18631289>

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар, хусусан жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ўрни ва роли сезиларли даражада ошиб бормоқда. Ўтган давр мобайнида замон талабларига жавоб берадиган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлақо янги тизими яратилди. Фақат жазолаш билан қўрқитиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноқонуний ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди”¹.


Маълумки, жамиятда жамоат тартибини таъминлашда юриш-туриш қоидалари ва жамоат осойишталигини таъминлаш ҳамда муно-сиб хулқ-атворда бўлишга асосланган нормалар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида мазкур соҳадаги муносабатлар қонун ва қонуности ҳужжатлар ҳамда ахлоқ нормалари, урф-одат ва анъана-лар билан тартибга солинади ҳамда жамоат тартибини таъминлаш соҳасидаги муносабатларга тажовуз қилишга қаратилган ҳар қандай ҳуқуққа хилоф қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида жамоат тартибига қарши қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган.

Қайд этиш жоизки, жамоат тартибини таъминлаш соҳасидаги муносабатларга тажовуз қилувчи ҳуқуққа хилоф қилмишлардан бири бу безорилик жинояти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **277-моддасида** назарда тутилган бўлиб, **безорилик** – жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсни уриш-дўппослаш, унга

¹Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маро-симдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.





енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда зарар етказишда ифодаланади.²

Ўз навбатида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, тан жароҳати етказиш ёки мулкка анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш деганда нимани тушуниш лозимлигини билиб олишимиз зарур.

Жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини (одамлараро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари, шаклланган ижтимоий турмуш тарзини) қўпол тарзда бузиш тушунилади.

Уриш-дўппослаш деганда, айбдор томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузиб, шахснинг баданига шикаст етказмаган ҳолда бир неча зарба бериш тушунилади.

Тан жароҳати деганда, одамга ташқи муҳитнинг турли омилларининг таъсири натижасида вужудга келган аъзо ва тўқималарнинг анатомик бутунлиги ва физиологик фаолиятининг бузилиши тушунилади.

Ўзганинг мулкига шикаст етказиш – бу мулкни соз ҳолатга келтириш ёки уни қайта тикланишининг имкониятини сақлаб қолган ҳолда унга зарар етказишдир.

Ўзганинг мулкни нобуд қилиш – бу ўзганинг мулкни соз ҳолатга келтириш ёки уни қайта тикланишининг имкониятини сақлаб қолмаган ҳолда унга зарар етказишдир.

Юқоридаги келтирилган тушунчалардан келиб чиқиб, безорлик жиноятини олдини олишда ҳар бир профилактик чора-тадбирлар ўзининг мақсади, вазифаси ва таъсир этиш объектига эга. Биз, безорилик жиноятини олдини олиш мақсадида профилактик чора-тадбирларни алоҳида ёки биргаликда ташкил қилиб амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Безорилик жиноятининг олдини олиш бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган вазифалардан ташкил топган бўлиб, улардан бири жиноятнинг йўналишига, тузилишига, даражасига, сабаб ва шароитларига тўлиқ таъсир қилишдан иборатдир. Умумий тартибдаги профилактик фаолият ҳуқуқ-тартиботни, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, криминоген вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, жиноятнинг олдини олиш





борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш ва уларга қарши курашиш мақсадида амалга оширилади.

Безорилик жиноятини олдини олишда умумий профилактикани бевосита амалга оширувчи давлат органларига безорилик жиноятларини келтириб чиқарувчи сабаблар ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш мақсадида давлат органлари ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда қуйидаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:


☑ ҳудудий ички ишлар органлари томонидан безорилик жиноятларининг барвақт олдини олиш ва унинг профилактикасига доир йўл-хариталарини ишлаб чиқишда ўтган ҳисобот даврида шу турдаги жиноятларни содир этган шахсларнинг демографик хусусиятлари, жиноятнинг содир этилиши, вақти, жойи, энг кўп содир этилган ҳафта кунлари, ойлар, жиноятдан кўпроқ жабрланаётган шахслар қатламининг таҳлили орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишга масъул субъектларни аниқ кўрсатган ҳолда профилактик чора-тадбирларни белгилаш ва амалга оширилишини таъминлаш;

☑ ҳар бир маҳаллада «Жамоатчилик назорати маскани» ҳамда «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларига, масканларга ва патрулик гуруҳларига фидойи ҳамда ватанпарвар ёшларни жалб этиш;

☑ безорилик жиноятлари энг кўп содир этилган ҳудудларда жиноятларни барвақт олдини олишда оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар орқали тарғибот қилиш, баннер, флаер, плакат ва буклетлар тарқатиш, таълим муассасалари, корхоналар ҳамда ташкилотларда давра суҳбатлари ўтказиш;

☑ ИИОлари ва ҳудудий прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатлари, айниқса, шахснинг соғлиғига, дахлсизлигига, мулкига ва тинчлигига етказилган зарар юзасидан зудлик билан мазкур ҳолатни расмийлаштириш, ўрганиш ва қонунда белгиланган тартибда айбдорларга нисбатан чора кўришни таъминлаш ҳамда назорат қилиш чораларини кўриш;

☑ ёшлар томонидан безорилик жиноятлари содир этилишининг барвақт олдини олиш мақсадида уларнинг бўш вақтларини мақсадли ташкил этиш, умумий ва ўрта таълим мактабларида Ёшлар иттифоқи, Халқ таълими бўлимлари, Маҳалла жамғармаси ва ҳокимликлар билан ҳамкорликда бепул спорт ва таълим тўғараklarини ташкил этиш;





✓ аҳолини янги қабул қилинаётган қонунлардан хабардор қилиб бориш, уларнинг мазмун-моҳиятини содда ва халқ тилида тушунтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш ҳамда уларни қонунчиликка риоя этиш руҳида тарбиялаш ишларининг мунтазам равишда олиб борилишини қатъий назоратга олиш;

✓ ҳудудий ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар билан профилактика инспекторларининг ўзаро ҳамкорлигини мунтазам равишда ташкил этиш ва мувофиқлаштириб борилишини таъминлаш;

✓ аҳоли ўртасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларида шахсларнинг ўзаро келишмовчиликлар натижасида уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни тушунтирган ҳолда фуқаролар билан психологик, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш;

✓ жиноятлар бўйича ўтказилаётган муҳокамаларда жиноятларнинг сабаблари, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар билан бирга шахсда тажовузкор хулқ-атворнинг шаклланишига сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича мақсадли ҳамда тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш;

✓ Ички ишлар бошқармаларининг Ахборот мультимедиа маркази томонидан оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда жамоат жойларида содир этиладиган безорилик жиноятларнинг ижтимоий хавфи ва унинг оқибатлари тўғрисида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қиладиган бўлсак мамлакатимизда бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ички ишлар ораганларининг асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳар қандай ҳуқуқнинг бузилиши, хусусан, безорилик жиноятларида бўладиган ҳолатлар жисмоний шахсларда ишончсизлик, жамият аъзоларида кўрқув ҳиссини туғдиради. Бу, ўз навбатида, тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш, яъни жиноят қонуни нормаларини қўллашни тақозо этади. Қайд этиш жоизки, амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чораларга қарамай, мазкур қилмиш умумий жиноятчилик тизимида жиддий ўрин эгаллайди.

Шу мақсадда безорилик жиноятларининг олдини олишда ички ишлар органлари томонидан масъул органлар ҳамда жамоатчилик ташкилотлари





билан ҳамкорликда ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишда юқоридаги умумий профилактик чора-тадбирларнинг аҳамияти муҳим деб ҳисоблаймиз.

